

Ўқувчилар ҳеч бир нарсани ўқитувчиларининг хатоларичалик ёдда сақламайдилар. (*А. Лигов*)

Талаба бу билимлар билан тўлдирилиши лозим бўлган идиш эмас, ёндирилиши лозим бўлган машъал. (*Л.А. Арцимович*)

Мактабларда ва университетларда ўрганганларимиз – билим эмас,
билим олиш йўли холос. (*Р.Эмерсон*)

Ўқитувчига қанчалик ўқитиш осон бўлса, ўқувчиларга шунчалик ўрганиш қийин. (*Л.Н. Толстой*)

Агар худо болаларнинг илтижоларини эшитганда эди, дунёда бирорта тирик ўқитувчи қолмаган эди. (*Форслар фикри*)

Ким ўқиб, ўрганишни истамаса, ўқитмаслиги лозим. (*Б.Брехт*)



3-мавзу. Замонавий дарс методикаси ва техникаси



Дарс бу нима?

Ўқув фаолиятининг асосий шакли.

Ҳақиқий дарс нима?

Хамма мўлжаллаган ишга ва хаммага вақт етадиган дарс.

Очиқ дарс нима?

Маҳорат, ижодкорлик, новаторлик намоён бўладиган, шунингдек хамма мўлжаллаган ишга ва хаммага вақт етадиган дарс.

Дарсинг энг оптимал услуби нима?

Айнан шу ўқитувчида энг юқори натижа берувчи услуб.




Дарсга қўйиладиган талаблар

- ▶ Ҳар бир дарс муайян мақсадни инобатга олган ҳолда, режалаштирилиши ва лойиҳалаштирилиши лозим. Ушбу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадларини, дарс босқичларини, дарсни қандай бошлашини, янги мавзу қандай ёритилишини, дарс қандай якунланишини, кўргазмали ва бошқа дидактик материаллар қандай ишлатилишини аниқлаши лозим;
- ▶ Ҳар бир дарс ғоявий изланишни кўзда тутиши лозим;
- ▶ Ҳар бир дарс ўқув муассасаси ижтимоий муҳити имкониятларини ҳисобга олувчи амалиёт билан боғланган бўлиши, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланиши лозим.

- Дарс учун мўлжалланган вақтни тежамкорона ва самарали сарфлаш лозим;
- Ҳар бир дарс жараёнида педагог ва талаба бир хил фаол бўлиши, талаба пассив тинловчига айланиб қолмаслиги лозим;
- Бир вақтнинг ўзида ҳамма учун ва талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир талаба учун ўтказиладиган дарслар энг самаралидир;
- Дарснинг мазмуни ва табиатини инобатга олган ҳолда, ҳалқ бой маънавий меросини самарали ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Дарсда зарур бўлган меъёрий хужжатлар


- Намунавий ўқув дастури;
- Ишчи ўқув дастури;
- Календар ўқув режаси;
- Технологик харита ёки дарс ишланмаси;
- Маърузалар матни ёки дарслик;
- Ўқув қўлланма;
- Дидактик материаллар.



ЗАМОНАВИЙ ДАРС — педагог талабанинг реал имкониятларидан, интеллектуал имкониятларидан моҳирона фойдаланган ҳолда, унинг ривожланишини таъминлайдиган дарс.



Замонавий дарс мезонлари

- дарс талаба шахсига қаратилган ҳамда ўқитувчи ва талаба ўзаро фаол муносабатларига асосланган;
 - дарс ўқув жараёни ва талабаларга индивидуал ёндашув градациясига асосланган ҳолда амалга оширилади;
 - дарс ниҳоятда катта қизиқишга, юқори интеллектуал фаолликка ва муваффақиятга эришишга йўналтирилган;
- 

- дарс педагогика барча методологик асослардан келиб чиқиб амалга оширилади;
- дарсда берилиши мўлжалланган билимлар мазмунига кўра, турли педагогик услублар ва усуллар ишлатилади;
- дарсда назария ва амалиёт ўзаро алоқада талқин этилади;
- дарс сифатини ва самарасини таъминловчи назорат турларидан фойдаланилади;
- дарсда вақт самарали ва мақсадга мувофиқ сарфланади;
- дарс мажмуавий ёндашув тамойили асосида амалга оширилади.

ДАРСНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ УНСУРЛАР

- 1) Ташкилий қисм, ўтилган материални такрорлаш;
- 2) Янги материални тушунтириш;
- 3) Янги материални мустаҳкамлаш;
- 4) Баҳолаш;
- 5) Уйга вазифа бериш.



Ўқув жараёни ташиқил этилишининг самарадорлиги бешта омилга боглиқ




Дарсни тўғри ташкил этишида қуйидаги омиллар муҳим:





Саволларингизга жавоб беришга тайёрмиз



**Эътиборингиз учун
миннатдормиз!**

